

**Қашқадарё вилояти ҳокимлиги, вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари  
бирлашмаси кенгаши раёсати ҳамда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси  
вилоят худудий бошқармаси ҳайъатининг**

**ҚЎШМА ҚАРОРИ**

2020 йил “27” февраль  
2020 йил “27” февраль  
2020 йил “27” февраль

№ HQ-193/02  
№ 19-1  
№ 7-1

Қарши шахри  
Қарши шахри  
Қарши шахри

**Вилоят ҳокимлиги, вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси  
ҳамда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси вилоят худудий бошқармаси  
ўртасида 2017-2019 йиллар учун тузилган миңтақавий келишувнинг  
2019 йилда бажарилиши ҳамда 2020-2022 йиллар учун миңтақавий  
келишув лойиҳасини тасдиқлаш тўғрисида**

Вилоят ҳокимлиги, вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раёсати ҳамда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси ҳайъати 2017-2019 йиллар учун тузилган миңтақавий келишувнинг бажарилиши устидан назорат қилиб борувчи комиссиянинг ахборотини эшишиб ва муҳокама қилиб, шуни қайд этадики, томонлар миңтақавий келишувга киритилган мажбуриятларнинг 2019 йилда бажарилишини таъминлашда ижтимоий шериклик асосида фаолият олиб бориб, вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурида кўзда тутилган вазифалар ҳамда аҳолининг турмуш даражасини ошириш, бандлигини таъминлаш, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимоясини янада кучайтиришга қаратилган тадбирлар ижроси бўйича муайян ишлар амалга оширилди.

Хусусан, 2019 йил ялпи худудий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 36 триллион 470,0 млн. сўмни ташкил этиб, 2018 йилга нисбатан 101,4 фоизга бажарилди.

Жумладан, “Обод маҳалла” ва “Обод қишлоқ” дастурлари доирасида 2019 йилда вилоятдаги 39 та қишлоқ ва 4 та маҳалла фуқаролар йигинлари худудларида аҳолининг турмуш шароитларини яхшилаш мақсадида 337 млрд. 666,0 млн. сўм микдоридаги маблағлар ўзлаштирилиб, қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил этиш Давлат дастури доирасида 24624 та янги иш ўринлари ташкил этилди. 2018 йилга нисбатан капитал қурилиш ишлари ҳажми 26,1 фоизга, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 2,3 фоизга, аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш ҳажми 10,7 фоизга, чакана савдо айланмаси 4,5 фоизга ўсишга эришилди. Вилоятда иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ривожлантириш мақсадида 23525,3 млрд. сўм инвестициялар ўзлаштирилди.

Кичик бизнеснинг вилоят ялпи худудий маҳсулотидаги улуши 60,1 фоизни ташкил қилди. Ҳисобот йилида 5154 та кичик бизнес субъекти ташкил этилди. Бугунги кунда 20304 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолият кўрсатмоқда.

Тадбиркорлик субъектларининг иш фаолиятини ривожлантириш ва уларни қўллаб-куватлаш, замонавий энергия тежамкор мини технологияларни олиб келиш, қўшимча иш ўринларини ташкил этиш мақсадида 21 нафар тадбиркорлар

томонидан 4276,0 минг АҚШ доллари миқдоридаги турли хил замонавий асбоб ускуналар ва технологияларни харид қилинди.

Иқтисодиётнинг етакчи тармоқларидан ҳисобланган қишлоқ хўжалигига иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ишларни олиб бориш натижасида ҳисобот даврида 20417,1 млрд. сўмлик ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 964,2 минг тонна бошоқли дон, 2,2 минг тонна пилла, 491,7 минг тонна сабзавот, 163,7 минг тонна полиз, 170,8 минг тонна мева, 96,6 тонна узум, 294,7 минг тонна гўшт, 549,7 млн. дона тухум тайёрланди.

Бандликка кўмаклашувчи марказлар томонидан корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорликда 2019 йилда 85 та “Бўш иш ўринлари” ярмаркалари ўтказилиб, ушбу меҳнат ярмаркалари орқали 2216 нафар фуқаролар ишга жойлаштирилди.

Меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлашишга кодир бўлмаган 3137 нафар шахслар 591 та корхонада банд қилиб қўйилган иш ўринларига ишга жойлаштирилди.

Меҳнат муҳофазаси, ишлаб чиқаришда майший шароитларни яратиш ва атроф муҳитни муҳофaza қилиш масалалари юзасидан амалга оширилган ишлар Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси, “Меҳнатни муҳофaza қилиш тўғрисида”ги Қонуни талаблари асосида ташкил қилиниб, ишчиларга меҳнатнинг техник ва экологик томондан хавфсиз соғлом шарт-шароитларни яратиш, иш жойларида асбоб-ускуналар, жиҳозларни меҳнатни муҳофaza қилиш стандартлари қоида ва меъёларига мувоғик бўлиши, шунингдек ноқулай меҳнат шароитларида ишлайдиган ходимларга маҳсус кийим бош, пойабзал, шахсий ҳимоя воситалари, сут ва унга тенглаштирилган озиқ-овқат маҳсулотлари бепул берилиши устидан жамоатчилик назорати ўрнатилди ва профилактика ишлари олиб борилди.

Вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси, вилоят бандлик бош бошқармаси, “Саноатгеоконтехназорат” ДИ Қашқадарё минтақавий инспекцияси, тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгашларининг масъул ташкилотчилари томонидан корхоналарда 2781 та меҳнат муҳофазасига оид қоидабузарликлар аниқланиб, бу камчиликлардан 2654 таси бартараф этилди.

Меҳнатни муҳофaza қилиш ишлари ва зарар тўловлари тўланиши тартибига оид масалалар бўйича касаба уюшмаларига мурожаат қилган 167 нафар ходимларга ҳукуқий маслаҳатлар берилиб, амалий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, ўз хизмат вазифасини бажариш вақтида бахтсиз ходиса натижасида меҳнат ногирони бўлиб қолган ходимларга ёки вафот этган ходимларнинг оила аъзоларига 265,2 млн. сўмлик бир йўла тўланадиган товон пуллари иш берувчилар ва суғурта ташкилотлари томонидан тўлиқ тўлаб берилишига эришилди.

Корхона, ташкилот ва муассасалардаги 1004 та зарарли иш ўринлари меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказилди. Корхоналарда қабул қилинган жамоа шартномалари орқали меҳнатни муҳофaza қилиш тадбирларининг бажарилишига 38 млрд. 367,5 млн. сўм маблағ сарфланди.

Ижтимоий суғурта ва касаба уюшмаси аъзолик бадаллари маблағлари ҳисобидан ҳисобот йилида 4609 нафар меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари санаторийларда соғломлаштирилди. Ушбу мақсадлар учун 7 885,5 млн. сўм сарфланди.

Вилоятдаги мавжуд 18 та болалар соғломлаштириш оромгоҳларида ёз мавсумида 28171 нафар меҳнаткашларнинг фарзандлари имтиёзли дам олдирилиб, йиллик режа 112,3 фоизга бажарилди. Соғломлаштирилган болаларнинг

5410 нафари кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ оилалар фарзандлари, 297 нафар “Мехрибонлик уйи” тарбияланувчилари, 500 нафар Оролбўйи миңтақасининг болалари бепул ва имтиёзли соғломлаштирилди.

2018-2019 йиллар давомида Шаҳрисабз туманидаги “Зиё чашмалари” болалар соғломлаштириш оромгоҳи реконструкция қилиниб, 17,0 млрд. сўмлик курилиш монтаж ишлари амалга оширилди. Оромгоҳга 5,0 млрд. сўмлик жиҳозлар ўрнатилди.

Ҳисобот йилида маҳаллий бюджетдан кам таъминланган оилаларга 36 203,5 млн. сўмлик моддий ёрдамлар кўрсатилди. Вояга етмаган фарзандларини тарбиялаётган оилаларга 119 834,2 млн. сўмлик, 2 ёшгача бола парваришида бўлган аёлларга 162 185,8 млн. сўмлик нафақалар тўлаб берилиди. Вилоят бўйича ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдамга 318 223,6 млн. сўм сарфланди. 320930 нафар фуқароларга 2 243 595,2 млн. сўмлик пенсия ва нафақалари тўлаб берилиди.

Жамоа шартномалари орқали “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” давлат дастури тадбирларининг ижросини таъминлаш учун 2019 йил давомида 10 231,7 млн. сўмлик, шу жумладан касаба уюшмалари маблағларидан 287,1 млн. сўмлик ижтимоий ёрдамлар кўрсатилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолининг кам таъминланган қатламларини кўллаб-куvvatлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3268-сонли қарори ижроси юзасидан 2019 йилда вилоят бўйича 180 нафар фуқароларга 650,2 млн. сўмлик тиббий хизматлар кўрсатилиб, 2715 та кам таъминланган эҳтиёжманд оилаларга 3174,0 млн. сўмлик майший техника воситалари (газ плита ва газ баллон) олиб берилиди. 523 та кам таъминланган эҳтиёжманд оиланинг уй-жойлари таъмирланиб, 63 та иқтисодий ночор оилалар уй-жой билан бепул таъминланди.

12 июнь - “Бутунжаҳон болалар меҳнатига қарши кураш куни”, 7 октябрь - “Бутунжаҳон муносиб меҳнат куни”, шунингдек, “Меҳнат соҳасидаги мухим аҳамиятга молик масалалар” мавзусидаги Давра сұхбатлари вилоят бошқармалари, идоралар ва фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликда ўтказилиб борилди.

Вилоятимиз худудларида ХМТнинг 29-, 105-, 138-, 182-Ковенцияларига риоя этилишини таъминлаш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилди. 2019 йилнинг сентябрь-октябрь ойларида ХМТ мутахассислари ва миллий мониторинг гурӯҳи томонидан пахтачиликда болалар меҳнати ва мажбурий меҳнат юзасидан мониторинг ўтказилди.

**Миңтақавий келишувнинг 2019 йилда бажарилиши бўйича амалга оширилган ижобий ишлар билан бир қаторда кўзда тутилган айrim тадбирларнинг бажарилишида сусткашлик ва камчиликларга йўл қўйилди.**

Вилоятнинг айrim шаҳар ва туманларида кичик саноат зоналарини ташкил этиш, янги иш ўринларини яратиш ва маҳсулотлар ишлаб чиқаришда сусткашлик мавжуд.

Аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил қилишга қаратилган ишлардаги муаммо ва камчиликларга етарлича барҳам борилмаяпти. Жойларда оилавий тадбиркорлик ва уй шароитида бандликнинг барча шаклларидан фойдаланиш, жамоатчилик ишларини ташкил этиш, норасмий ички ва ташки миграциясининг олдини олиш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси обьектларини кўпайтириш ҳисобига аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар бугунги кун талаби даражасида эмас.

Тармоқ корхоналарида ходимларга иш ҳақини түлаб беришда амалдаги қонунлар ва Ҳукумат қарорларида белгилаб қўйилган талабларга риоя қилинмаганлиги оқибатида 2020 йил 1 январь ҳолатида вилоят бўйича 604,6 млн. сўм иш ҳақидан муддати ўтган қарздорликка йўл қўйилган бўлиб, ушбу муддати ўтган қарздорлик вилоят “Иссиқлик манбаи” ДУК га тегишилдири.

Айрим корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирлари ва техника хавфсизлиги ишларига етарлича маблағ ажратилмаётганлиги ва бу борадаги ишлар устидан тўлиқ назорат ўрнатилмаганлиги туфайли заарли ва хавфли ишлаб чиқаришларда меҳнат қилаётган ходимларга қонун ҳужжатларида белгиланган меъёрлар бўйича маҳсус кийим бош, пойабзал, шахсий ҳимоя воситалари, сут ва унга тенглаштирилган бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини бепул бериш ишлари етарлича ташкил этилмаяпти. Бу борадаги камчиликлар асосан давлат бюджетидан молиялаштириладиган муассасалар ва хусусий корхоналарда кўплаб учрамоқда.

Баъзи бир корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирлари ва техника хавфсизлиги ишларига етарлича маблағ ажратилмаётганлигидан, иш жойларини аттестациядан ўтказиши, шунингдек иш жойларида меҳнатнинг соғлом ва хавфсиз шароитларини таъминлаш бўйича ишлар етарлича тўғри ташкил қилинмаганлиги туфайли 2019 йилда ишлаб чиқариш билан боғлиқ 13 та баҳтсиз ҳодиса содир этилган бўлиб, шундан 6 таси ўлим билан тугаган, 7 таси оқибати оғир баҳтсиз ҳодисаларни ташкил этади.

Юкоридагилардан келиб чиқиб, вилоят ҳокимлиги, вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг раёсати ҳамда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармасининг ҳайъати қарор қиласиди:

**1.** Вилоят ҳокимлиги, вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси ҳамда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси ўртасида 2017-2019 йилларга тузилган минтақавий келишувнинг 2019 йилда бажарилиши тўғрисидаги маълумот ахборот учун қабул қилинсин (1-илова).

**2.** Вилоят ҳокимлиги, вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси ҳамда Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси ўртасида 2020-2022 йиллар учун минтақавий келишув лойиҳаси тасдиқлансин (2-илова).

**3.** Шаҳар, туман ҳокимларни, идоралар, хўжалик бошқармалари ва бирлашмалари, тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгашларининг вилоят бўйича масъул ташкилотчилари, касаба уюшмалари ишини мувофиқлаштирувчи шаҳар, туман кенгашлари, Савдо-саноат палатасининг шаҳар, туман ахборот маслаҳат марказларига қўйидагилар асосий вазифа қилиб белгилансин:

- саноатда ва қишлоқ хўжалигида чуқур таркибий ўзгартиришларни амалга ошириши давом эттириш;

- ҳудудларда иқтисодиётига хорижий инвестициялар жалб этишни жадаллаштириш, макроиктисодий барқарорликни таъминлаш;

- хусусий мулк, тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш, бу соҳа вакиллари манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, одамларда тадбиркорлик кўникмаси шаклланишига кўмаклашиш;

- иқтисодиётнинг ракобатбардошлигини тубдан ошириш, экспорт қилувчи корхоналарни қуллаб-қувватлашни кучайтириш, кичик бизнес субъектлари ва фермер хўжаликларининг экспортдаги иштирокини кўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш;

- муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини яхшилаш ҳамда ижтимоий соҳани жадал ривожлантириш;
- иктисодиёт тармоқларида ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш;
- ахолининг турмуш даражаси ва сифатини янада оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- ахоли бандлигини таъминлаш мақсадида янги иш ўринлари ташкил этиш, олий ва ўрта таълим муассасалари битирувчиларини доимий иш билан таъминлаш чораларини кўриш;
- нақд пулнинг тўлиқ тушишини таъминлаш, ишчи-хизматчиларга ва ахолига иш ҳақи, пенсия, ижтимоий нафақа ва бошқа тўловларнинг ўз вақтида берилишини назорат қилиб бориш;
- корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш, техника хавфсизлиги, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, техник ва экологик хавфсиз, соғлом шарт-шароитларни яратиш, иш жойларида асбоб-ускуналар, жихозларни меҳнатни муҳофаза қилиш стандартлари, қоида ва меъёрларига мувофиқ бўлишига эришиш;
- ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар Дастури ижросини таъминлашда фаол иштирок этиш;
- “Илм, маърифат ва рақамли иктисодиётни ривожлантириш йили” Давлат дастурининг ижросини таъминлаш;
- фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш самарадорлигини ошириш;
- минтақавий келишув ва жамоа шартномаларига киритилган тадбирларнинг тўлиқ бажарилишига эришиш вазифалари топширилсин.

4. Тарафларнинг келишувига кўра 2020-2022 йиллар учун тузилган минтақавий келишувнинг бажарилишини текшириб бориш комиссиясининг таркиби З-иловага мувофиқ маъқуллансин.

5. Минтақавий келишувнинг бажарилишини текшириб борувчи комиссияга келишувнинг 2020 йилда ижросини мунтазам таҳлил этиш, бажарилмаётган мажбуриятлар бўйича томонларга таклифлар киритиб бориш топширилсин.

6. “Қашқадарё” газетаси таҳририятига вилоят ҳокимлиги, вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси ҳамда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси ўртасида 2020-2022 йиллар учун тузилган минтақавий келишувнинг тўлиқ матнини газета саҳифасида чоп этиш топширилсин.

Қашқадарё  
хокими

вилояти

3. Мирзаев

Вилоят касаба уюшмалари  
ташкилотлари бирлашмаси  
кенгашини раиси

Э. Ражабов

Ўзбекистон Савдо - саноат  
палатаси вилоят ҳудудий  
бошқармаси бошлиғи

М. Гулов



**Қашқадарё вилояти ҳокимлиги, вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари  
бирлашмаси ҳамда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси  
ўртасида 2017-2019 йиллар учун тузилган минтақавий келишувнинг  
2019 йилда бажарилиши тўғрисида**

**МАЪЛУМОТ**

Вилоят ҳокимлиги, вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси ҳамда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси ўртасида 2017-2019 йиллар учун тузилган минтақавий келишувнинг 2019 йилда бажарилишини таъминлашда ижтимоий шериклар томонидан “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг беш устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”нинг 2019 йил “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш, бандлигини таъминлаш ва ижтимоий-иқтисодий ва ҳукуқий ҳимояси билан боғлиқ тадбирлар ижросини таъминлаш бўйича муайян ишлар амалга оширилди.

Жумладан, “Обод маҳалла” ва “Обод қишлоқ” дастурлари доирасида вилоятимиздаги аҳоли яшаш манзилларида ижтимоий шарт-шароитларни яхшилаш, мавжуд инфратузилма, коммуникация тармоқларини замон талабларига мослаштириш, қишлоқ жойларида аҳолига майший хизмат кўрсатиш сифатини тубдан ошириш, қишлоқлар қиёфасини ўзгартириш орқали одамлар турмуш фаровонлигини юксалтириш борасида бир қатор ишлар қилинишига эришилди.

Хусусан, 2019 йилда вилоятдаги 39 та қишлоқ ва 4 та маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудудларида аҳолининг турмуш шароитларини яхшилаш мақсадида 337 млрд. 666,0 млн. сўм миқдоридаги маблағлар ўзлаштирилиб, қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

2019 йилда хусусий мулк ва кичик бизнес субъектлари манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, хусусийлаштирилган давлат мулки негизида хусусий мулкчилик ва тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган давлат сиёсатини янги сифат даражасига кўтариш ҳамда хусусийлаштирилган тадбиркорлик субъектларини самарали қўллаб қувватлашга қаратилган ишлар натижасида вилоят иқтисодиётида барқарор суръатларда ўсишга эришилди.

Вилоятда 2019 йил ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 36470,0 млн. сўмни ташкил этиб, 2018 йилга нисбатан 101,4 фоизга бажарилди. Аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил этиш Давлат дастури доирасида 24624 та янги иш ўринлари ташкил этилди. 2018 йилга нисбатан капитал қурилиш ишлари ҳажми 26,1 фоизга, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 2,3 фоизга, аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш ҳажми 10,7 фоизга, чакана савдо айланмаси 4,5 фоизга ўсишга эришилди. Вилоятда иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ривожлантириш мақсадида 23525,3 млрд. сўм инвестициялар ўзлаштирилди. Мамлакатимизда хусусий мулқдорлар ва тадбиркорларнинг кафолатларини кучайтириш ва уларнинг қонуний ҳукуқларини ҳимоя қилиш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини “Тадбиркорларга кўмаклашиш марказ”лари орқали ташкил этиш ҳамда амалга оширишни соддалаштириш ва енгиллаштириш бўйича норматив-ҳукуқий хужжатларнинг туркуми қабул қилиниши натижасида кичик бизнеснинг вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотидаги улуши 60,1 фоизни ташкил қилди. Ҳисобот йилининг ўзида вилоятда 5154 та кичик бизнес субъекти ташкил

етилди. Бугунги кунда 20304 та кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолият кўрсатмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-куватлаш, уларни эркин фаолият кўрсатиши учун қулай ишбилиармонлик мухитини яратиб бериш юзасидан Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси вилоят худудий бошқармаси томонидан ҳисобот йилида тадбиркорлик субъектларининг хуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида уларнинг фойдасига 769204,3 млн. сўм ва 6254,3 минг АҚШ доллари қийматидаги 9867 та дაъво аризалари тегишли судларга киритилган бўлиб, дাъво аризаларининг 9221 таси қаноатлантирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бизнеснинг қонуний манфаатлари давлат томонидан муҳофаза қилиниши ва тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ 5087 сонли Фармони ва 2017 йил 19 июндаги ПҚ-3068 сонли Қарорига ҳамда 2018 йил 09 июндаги янги таҳрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Савдо-саноат Палатаси тўғрисида”ги Қонуни ижросини таъминлаш мақсадида жойларда тадбиркорлик субъектларининг муаммоларини ўрганиш ва ечимини топиш юзасидан ўtkазилган сўровномаларда 1440 нафар тадбиркорлик субъектлари иштироки таъминланди. Сўровномаларнинг натижалари ва таҳлилларига кўра тадбиркорлик фаолиятидаги 1059 та муаммоли масалалар ўрганилиб, амалий ёрдамлар кўрсатилди. Вилоятдаги тадбиркорларнинг хорижий шериклари билан ишбилиармонлик алоқаларини ўрнатишни кенгайтириш, экспортбоп маҳсулотларни ташқи бозорга чиқариш, мавжуд ишлаб чиқаришларни техник қайта жиҳозлаш ва замонавийлаштириш учун хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш мақсадида тадбиркорлар учун Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг [www.chamber.uz](http://www.chamber.uz) ва худудий бошқарманинг [www.bizhesinfo.uz](http://www.bizhesinfo.uz) сайти ҳамда [www.biznesinfo.uz](http://www.biznesinfo.uz) портали доимий равишда ишлаб турди.

Вилоятимиздаги тадбиркорлик субъектларининг иш фаолиятини ривожлантириш ва уларни қўллаб-куватлаш мақсадида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси ташабbusi билан вилоятда тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш, таннархини арzonлашувини таъминлайдиган замонавий энергия тежамкор мини технологияларни олиб келиш, қўшимча иш ўринларини ташкил этиш мақсадида 21 нафар тадбиркорлар томонидан 4276,0 минг АҚШ доллари миқдоридаги турли хил замонавий асбоб ускуналар ва технологиялар харид қилишга кўмаклашилди.

Шунингдек, вилоятдаги 76 нафар тадбиркорларни Хитой халқ Республикаси, Эрон, Туркия ва бошқа ҳамдўстлик давлатларда ўtkazилган бизнес форумларда иштирок этишлари таъминланди.

Иктисодиётнинг етакчи тармоқларидан ҳисобланган қишлоқ хўжалигида иктисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ишларни олиб бориш натижасида ҳисобот даврида 20417,1 млрд. сўмлик ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 964,2 минг тонна бошоқли дон, 2,2 минг тонна пилла, 491,7 минг тонна сабзавот, 163,7 минг тонна полиз, 170,8 минг тонна мева, 96,6 тонна узум, 294,7 минг тонна гўшт, 549,7 млн. дона тухум тайёрланди.

Вилоятда меҳнат бозорини ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш масалалари юзасидан минтақавий келишувга киритилган тадбирларнинг ижроси бўйича 2019 йилда давлат буюртмаси доирасида 23854 та иш ўринларини яратиш

прогнози белгиланиб, амалда 24624 та иш ўринлари яратилди. Шу жумладан, йирик лойихалар ҳисобидан 2431 та, кичик лойихалар ҳисобидан 8192 та, фаолият кўрсатмаётган, самарасиз фойдаланилаётган бинолар ва қурилиши тутатилмаган объектлар негизида 577 та, давлат бюджети маблағлари ҳисобидан ишга тушадиган ижтимоий ва бошқа объектлар ҳисобидан 364 та, давлат-хусусий шерикчилик шартлари асосида ишга тушадиган ижтимоий объектларни ишга тушириш ҳисобидан 905 та, хунармандчиликни ривожлантириш ҳисобига 1641 та, кредит бериш ҳамда жамғармаларнинг маблағлари ҳисобига ташкил этиладиган иш ўринлари ҳисобидан 10514 та янги иш ўринлари ташкил қилинди.

Бандликка кўмаклашувчи марказлар томонидан корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорликда 2019 йилда 85 та “Бўш иш ўринлари” ярмаркалари ўтказилиб, ушбу меҳнат ярмаркалари орқали 2216 нафар фуқаролар ишга жойлаштирилди.

Туман (шаҳар) ҳокимларининг қарорига кўра меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобатлашишга қодир бўлмаган, ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун 591 та корхонада банд қилиб қўйилган иш ўринларига 3137 нафар шахслар ишга жойлаштирилди.

Шунингдек, касаба уюшмалари ташкилотлари томонидан 2019 йилда 265 та корхона ва муассасаларда иш берувчилар томонидан энг кам меҳнат ҳақи меъёрларига риоя этилиши жамоатчилик назорати тартибида ўрганиб борилди.

2019 йилда вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмасида фуқароларнинг 532 та мурожаатлари рўйхатга олинган. Шундан, Виртуал қабул хоналардан 98 та мурожаат келиб тушган. Фуқаролардан келиб тушган мурожаатларнинг 168 таси ёзма, 1 таси оғзаки, 35 таси электрон, 328 таси Ишонч телефони орқали қайд қилиниб, Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни талабига мувофиқ ўрганиб чиқилди ва фуқароларга мурожаатлари бўйича тегишли тартибда жавоб хатлари юборилди. Мурожаатларни ўрганиш натижасига кўра меҳнатга оид хукуқбузарликларни бартараф этиш бўйича корхона раҳбарларига 70 та холатда тақдимномалар киритилиб, 1117 нафар фуқароларнинг қонуний хукуклари тикланди ва ходимларга 123 млн. 733 минг сўм микдордаги иш ҳақи ва бошқа тўловлари ундириб берилиб, хукуқий ва амалий ёрдамлар кўрсатилди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг 2019 йилда ёшларга оид сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар Дастури ижросини таъминлаш шунингдек, ёшларнинг ҳар томонлама етук мутахассис бўлиб камол топишига бўлган интилишини қўллаб-куватлаш, ўзи танлаган касбга нисбатан хурмат ва фахр туйғусини шакллантириш, иктидорли ёш мутахассисларнинг касбий билим даражасини аниқлаш, ёш мутахассислар орасида соғлом рақобат муҳитини вужудга келтириш, ёш мутахассисларнинг инновацион гоя, лойиха ва технологияларини ҳаётга тадбиқ этиш орқали ёшлар бандлигини таъминлаш, ёш мутахассисларнинг хукуқий маданиятини юксалтириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнларидағи ёш мутахассисларнинг фаоллигини ошириш, корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият кўрсатаётган ёш мутахассис ишчиларни рағбатлантириш мақсадида вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши, вилоят касбий таълимни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш бошқармаси ҳамда ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши ҳамкорлигига ёш ишчи-ходимлар ўртасида “Энг фаол ёш ишчи касб эгаси”

танлови 9 та номинация бўйича ўтказилиб, танловда ғолиб бўлган иштирокчилар бирлашма кенгашининг қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

Мехнат муҳофазаси, ишлаб чикаришда майший шароитларни яратиш ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари юзасидан амалга оширилган ишлар Ўзбекистон Республикасининг Мехнат кодекси, “Мехнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни талаблари асосида ташкил қилиниб, ишчиларга меҳнатнинг техник ва экологик томондан хавфсиз соғлом шарт-шароитларни яратиш, иш жойларида асбоб-ускуналар, жиҳозларни меҳнатни муҳофаза қилиш стандартлари қоида ва меъёрларига мувофиқ бўлиши, шунингдек ноқулай меҳнат шароитларида ишлайдиган ходимларга маҳсус кийим бош, пойабзал, шахсий ҳимоя воситалари, сут ва унга тенглаштирилган озиқ-овқат маҳсулотлари бепул берилиши устидан жамоатчилик назорати ўрнатилди ва профилактика ишлари олиб борилди.

Вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмасининг меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими томонидан 2019 йилда вилоят бандлик бош бошқармаси, “Саноатгеоконтехназорат” ДИ Қашқадарё минтақавий инспекцияси, тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгашларининг масъул ташкилотчилари билан ўзаро ҳамкорликда жойларда 2781 та меҳнат муҳофазасига оид қоидабузарликлар аниқланиб, бу камчиликлардан 2654 таси бартараф этилди.

Мехнатни муҳофаза қилиш ишлари ва зарар тўловлари тўланиши тартибига оид масалалар бўйича касаба уюшмаларига мурожаат қилган 167 нафар ходимларга ҳукуқий маслаҳатлар берилиб, амалий ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, бирлашма кенгашининг аралашуви билан ўз хизмат вазифасини бажариш вақтида бахтсиз ходиса натижасида меҳнат ногирони бўлиб қолган ходимларга ёки вафот этган ходимларнинг оила аъзоларига умумий ҳисобда 265 млн. 172 минг сўмлик бир йўла тўланадиган товоң пуллари иш берувчилар ва суғурта ташкилотлари томонидан тўлиқ тўлаб берилишига эришилди.

Корхона, ташкилот ва муассасалардаги 1004 та заарли иш ўринлари меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказилди. Корхоналарда қабул қилинган жамоа шартномалари орқали меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларининг бажарилишига 38 млрд. 367,5 млн. сўм маблағ сарфланди.

Ижтимоий суғурта ва касаба уюшмаси аъзолик бадаллари маблағлари ҳисобидан ҳисобот йилида 4609 нафар меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзолари санаторийларда соғломлаштирилди. Ушбу мақсадлар учун 7 885,5 млн. сўм сарфланди.

Вилоятдаги мавжуд 18 та болалар соғломлаштириш оромгоҳларида 2019 йилнинг ёз мавсумида меҳнаткашларнинг 28171 нафар фарзандлари имтиёзли дам олдирилиб, йиллик режа 112,3 фоизга бажарилди. Шунингдек, “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” муносабати билан болалар ёзги соғломлаштириш оромгоҳларида ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ оиласаларнинг болаларини соғломлаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, 5410 нафар кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ оиласалар фарзандлари, 297 нафар “Мехрибонлик уйи” тарбияланувчилари, 500 нафар Оролбўйи минтақасининг болалари бепул ва имтиёзли соғломлаштирилди.

2018-2019 йиллар давомида Шахрисабз туманида жойлашган бирлашма кенгashi тасарруфидаги “Зиё чашмалари” болалар соғломлаштириш оромгоҳи

реконструкция қилиниб, 17,0 млрд. сўмлик қурилиш монтаж ишлари амалга оширилди. Оромгоҳга 5,0 млрд. сўмлик жиҳозлар ўрнатилди.

Ҳисобот йилида ишчи-ходимларнинг ижтимоий-иктисодий, хуқуқий манфаатларини таъминлаш, турмуш фарвонлигини юксалтириш айниқса, ахолининг эхтиёжманд қатламларини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган тадбирлар ижроси бўйича пенсиялар, ижтимоий нафақалар, стипендиялар ҳамда иш ҳақи тўловлари асосан ўз вақтида тўлаб борилди. Махаллий бюджетдан кам таъминланган оилаларга 36 203,5 млн. сўм моддий ёрдамлар кўрсатилди. Вояга етмаган фарзандларини тарбиялаётган оилаларга 119 834,2 млн. сўм, 2 ёшгача бола парваришида бўлган аёлларга 162 185,8 млн. сўмлик нафақалар тўлаб берилди. Вилоят бўйича ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдамга жами бўлиб 318 223,6 млн. сўм маблағ сарфланди. 320930 нафар пенсия ва нафақа олувчиларга 2 243 595,2 млн. сўмлик пенсия ва нафақалари тўлаб берилган.

Шунингдек, ижтимоий йўналтирилган давлат дастурларини бажариш доирасида ҳам жамоа шартномалари орқали уруш ва меҳнат фахрийларига, ногиронларга, кўп болали, кам таъминланган ва ёш оилаларга моддий ёрдамлар кўрсатиш, уларни маданий дам олишлари ва соғломлаштирилишини ташкил этиш, ахолини намунали лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойлар билан таъминлаш масалаларига ҳам ҳисббот йилида алоҳида эътибор қаратиб келинди.

2019 йилда жамоа шартномалари орқали “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” давлат дастури тадбирларининг касаба уюшмалари томонидан ижросини таъминлаш бўйича ҳам муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан, жамоа шартномалари орқали 520 та корхонада, 1096 нафар пенсия ёшидаги шахсларга пенсияга чиқишидан олдин бир йўла моддий ёрдамлар кўрсатиш ва уларни қимматбаҳо совғалар билан тақдирлаш учун 3053,9 млн. сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Бу мақсадлар учун иш берувчилар маблағлари ҳисобидан 3032,2 млн. сўм, касаба уюшмалари маблағлари ҳисобидан 21,6 млн. сўм сарфланди. Ходимларга юбилей саналари муносабати билан қимматбаҳо совғалар топшириш учун 515 та корхона томонидан 1337 нафар ходимларга 906,2 млн. сўмлик моддий ёрдамлар берилди. 3481 нафар ишламайдиган пенсионерларга яъни, корхоналарнинг собиқ ходимларига 1640 та корхона томонидан 769,3 млн. сўмлик моддий ёрдамлар кўрсатилди. Ушбу моддий ёрдамларнинг 716,0 млн. сўми корхоналар маблағлари ҳисобидан, 53,3 млн. сўми касаба уюшмалари маблағлари ҳисобидан амалга оширилди. Икки ёшдан уч ёшгача бола парвариши учун таътилда бўлган ёш онага моддий ёрдам кўрсатиш учун 482 та корхона томонидан 619 нафар ёш оналарга 305,9 млн. сўмлик моддий ёрдамлар кўрсатилди. Тармоқ корхоналарида кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларнинг фарзандлари учун ўқув куроллари, дарсликлар харид қилиш харажатларини қисман қоплаб бериш учун 1806 та корхона томонидан 7363 нафар кам таъминланган оилалар фарзандларига 2 660,9 млн. сўмлик ўқув куроллари ва дарсликлар, 305 та корхонада 1020 нафар ногирон фарзандларни парвариш қилаётган ота-оналарга 355,5 млн. сўмлик моддий ёрдамлар берилди. Нодавлат мулк шаклидаги 328 та корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган 444 нафар болали аёлларга ойлик маоши сақланган ҳолда иш вақтини ҳафтасига 35 соатдан ошмайдиган қилиб белгиланиши жорий этилди. Кам таъминланган ёш оилалар вакилларига моддий ёрдам кўрсатиш учун 2194 та корхона томонидан 3108 нафар кам таъминланган ёш

оилаларга 782,3 млн. сўмлик моддий ёрдамлар кўрсатилган. Олий ўқув юртларида таҳсил олаётган иқтидорли, кам таъминланган ва чин етим талабаларнинг 148 нафарини 490,0 млн. сўмлик шартнома пуллари корхоналар маблағлари ҳисобидан қоплаб берилди. Ёш оилаларга уй-жой қуриш ва мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узок муддат фойдаланиладиган товарларни харид қилиш учун 72 та корхона томонидан 109 нафар оилаларга 688,7 млн. сўмлик фоизсиз ссудалар ажратилди. 79 нафар сафарбарлик захирасидаги ходимларга ҳарбий хизматга чақирилиши муносабати билан 161,1 млн. сўмлик фоизсиз ссудалар берилди.

Умумий ҳисобда минтақавий келишув ва жамоа шартномалари орқали “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” давлат дастури тадбирларининг ижросини таъминлаш учун 2019 йил давомида 10 231,7 млн. сўм, шу жумладан касаба уюшмалари маблағларидан 287,1 млн. сўм харажат қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-кувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3268-сонли қарори ижроси юзасидан 2019 йилда вилоят бўйича 180 нафар фуқароларга 650,2 млн. сўмлик тиббий хизматлар кўрсатилиб, 2715 та кам таъминланган эҳтиёжманд оилаларга 3174,0 млн. сўмлик майший техника воситалари (газ плита ва газ баллон) олиб берилди. 523 та кам таъминланган эҳтиёжманд оиланинг уй-жойлари таъмирланиб, 63 та иқтисодий ночор оилалар уй-жой билан таъминланди.

12 июнь - “Бутунжаҳон болалар меҳнатига қарши кураш куни” муносабати билан вилоят меҳнат Бош бошқармаси, Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси, манфаатдор бошқармалар ва идоралар, фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликда ҳамда 7 октябрь - “Бутунжаҳон муносиб меҳнат куни” муносабати билан Халқаро меҳнат ташкилоти эксперти ва ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирокида давра сухбатлари ташкил этилди.

2019 йил 22 ноябрь куни ўтказилган “Меҳнат соҳасидаги муҳим аҳамиятга молик масалалар” мавзусидаги Давра сухбатида барча бошланғич ташкилотлар, туман, шаҳар кенгашларидан меҳнат соҳасидаги 30 та масалалар мавжуд муаммоларни умумлаштириб, муҳокама қилинди. Мавжуд муаммоларнинг 26 таси вилоят миқёсида ва 4 таси Республика миқёсида ҳал этилиши келишиб олинди.

Вилоятимиз худудларида XMTнинг 29-, 105-, 138-, 182-Ковенцияларига риоя этилишини таъминлаш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилди. 2019 йилнинг сентябрь-октябрь ойларида XMT мутахассислари ва миллий мониторинг гурухи томонидан пахтачиликда болалар меҳнати ва мажбурий меҳнат юзасидан мониторинг ўтказилди. Мониторинг давомида Ишчи гурухлари томонидан вилоядта мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатидан фойдаланиш ҳолатлари аниқланмади.

Минтақавий келишувнинг 2019 йилда бажарилиши бўйича амалга оширилган ишлар билан бир қаторда кўзда тутилган айрим тадбирларнинг бажарилишида сусткашлик ва камчиликларга йўл қўйилди.

Вилоятнинг айрим шаҳар ва туманларида кичик саноат зоналарини ташкил этиш, янги иш ўринларини яратиш ва маҳсулотлар ишлаб чиқаришда сусткашлик мавжуд.

Аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил қилишга қаратилган ишлардаги муаммо ва камчиликларга етарлича барҳам берилмаяпти.

Жойларда оилавий тадбиркорлик ва уй шароитида бандликнинг барча шаклларидан фойдаланиш, жамоатчилик ишларини ташкил этиш, норасмий ички ва ташқи меҳнат миграциясининг олдини олиш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси обьектларини кўпайтириш ҳисобига ахоли бандлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар бугунги кун талаби даражасида эмас.

Тармоқ корхоналарида ходимларга иш ҳақини тўлаб беришда амалдаги қонунлар ва Ҳукумат қарорларида белгилаб қўйилган талабларга риоя қилинмаганлиги оқибатида 2020 йил 1 январь ҳолатида вилоят бўйича 604,6 млн. сўм иш ҳакидан муддати ўтган қарздорликка йўл қўйилган бўлиб, ушбу муддати ўтган қарздорлик вилоят “Иссиклик манбаи” ДУК га тегишилидир.

Айrim корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирлари ва техника хавфсизлиги ишларига етарлича маблағ ажратилмаётганлиги ва бу борадаги ишлар устидан тўлиқ назорат ўрнатилмаганлиги туфайли заарли ва хавфли ишлаб чиқаришларда меҳнат қилаётган ходимларга қонун хужжатларида белгиланган меъёрлар бўйича маҳсус кийим бош, пойабзал, шахсий ҳимоя воситалари, сут ва унга тенглаштирилган бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини бепул бериш ишлари етарлича ташкил этилмаяпти. Бу борадаги камчиликлар асосан давлат бюджетидан молиялаштириладиган муассасалар ва хусусий корхоналарда кўплаб учрамоқда.

Баъзи бир корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирлари ва техника хавфсизлиги ишларига етарлича маблағ ажратилмаётганлигидан, иш жойларини аттестациядан ўтказиш, шунингдек иш жойларида меҳнатнинг соғлом ва хавфсиз шароитларини таъминлаш бўйича ишлар етарлича тўғри ташкил қилинмаганлиги туфайли 2019 йилда ишлаб чиқариш билан боғлиқ 13 та баҳтсиз ҳодиса содир этилган бўлиб, шундан 6 таси ўлим билан тутаган, 7 таси оқибати оғир баҳтсиз ҳодисаларни ташкил этади.

### **Минтақавий келишувнинг бажарилишини текшириб борувчи комиссия**

**Қашқадарё вилоят ҳокимлиги, Қашқадарё вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси ҳамда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Қашқадарё вилоят худудий бошқармаси ўртасида ижтимоий-иктисодий масалалар бўйича 2020-2022 йиллар учун тузилган**

**МИНТАҚАВИЙ КЕЛИШУВ**

Қашқадарё вилоят ҳокимлиги (бундан буён – “Ҳокимлик”), Қашқадарё вилояти касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси (бундан буён – “Касаба уюшмалари”), Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Қашқадарё вилоят худудий бошқармаси (бундан буён – “Иш берувчилар”) кейинги ўринларда “Тарафлар” деб аталувчи мухтор вакиллар тимсолида:

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонун хужжатларига амал қилиб;

фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг манфаатлари устуворлигини биринчи ўринга қўйиб;

Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилга қадар ижтимоий-иктисодий ривожлантириш Концепциясини қўллаб-кувватлаб;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирмонович Мирзиёев томонидан илгари сурилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг беш устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига амал қилган ҳолда иктисодиётни янада эркинлаштириш ва ривожлантириш, иктиносий салоҳиятни кенгайтириш бўйича чора-тадбирларни изчил амалга ошириш, тадбиркорлик субъектлари рақобатбардошлиги ва фаолияти самарадорлигини кучайтириш асосида вилоят аҳолиси турмуш даражасини кўтариш лозимлигини тасдиқлаб;

давлат, иш берувчилар ва ходимларнинг ижтимоий масъулияти ва улар ўртасидаги ижтимоий мулоқот мухимлигини эътироф этган ҳолда;

ходимлар ва иш берувчиларнинг хуқуқлари ва ижтимоий-иктисодий манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш борасида ўзаро амалий ҳамкорлик қилиш, аҳоли ҳаёт даражасини муттасил ошириб бориш, жамиятда ижтимоий тотувлик ва барқарорликни сақлаш учун самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида ижтимоий шериклик тамойилини амалга ошира бориб;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Ўзбекистон Иш берувчилари конфедерацияси ўртасида ижтимоий-иктисодий масалалар бўйича 2020-2022 йиллар учун Бош келишув асосида вилоятда ижтимоий-иктисодий масалалар хусусида келишиб сиёsat олиб боришнинг умумий принципларини белгилаб олиш мақсадида мазкур Минтақавий келишувни тузиб (бундан буён “Келишув”) Тарафлар ўз зиммаларига қуидаги йўналишлар бўйича мажбуриятларни оладилар.

**I. Иктисодиётни, маҳаллий ишлаб чиқаришни ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш**

Вилоят иктисодиёт тармоқларида чуқур таркибий ўзгартиришларни амалга оширишга, товарлар ва хизматларнинг сифатли бозорини шакллантирган ҳолда рақобатбардош бозор иктисодиётига ўтиш жараёнини жадаллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширишни давом эттириш, вилоятнинг

экспорт салоҳиятини кенгайтириш, инвестицион фаолликни кучайтириш мақсадида Тарафлар келгусида қуидагиларни зарур деб ҳисоблайдилар:

**1.** Вилоятда иқтисодиётнинг реал секторини жадал ривожлантириш, саноатни ва ташки савдони диверсификация қилиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, тайёр маҳсулот экспортини рағбатлантириш билан бир қаторда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилиш чораларини жорий этиш ҳисобига маҳаллий иқтисодиётни рақобатбардошлиги ва барқарорлигини оширишга доир ишларни ҳамкорликда амалга ошириш.

**2.** Иқтисодиётда хусусий мулк улушини ошириш, соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, фаолиятнинг барча соҳаларида давлат иштирокини камайтириш бўйича ислоҳотларни янада чукурлаштириш.

**3.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 январдаги ПФ-5614-сонли “Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва иқтисодий сиёsat самарадорлигини оширишнинг қўшимча чора - тадбирлари тўғрисида”ги Фармонини бажариш бўйича вилоят чора-тадбирлари ижросини таъминлаш.

**4.** Вилоят иқтисодиётида таркибий ўзгаришларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, бунда саноатни самарали ривожлантириш ва жойлаштириш ҳамда инвестицияларни жалб қилиш учун иқтисодий ва ихтисослаштирилган зоналар, тармоқ кластерлари, кичик саноат зоналари, инновацион марказлар, технопарклар, коворкинг (Coworking) марказлари яратा�ётган имкониятлардан кенг фойдаланиш.

**5.** Инвестиция муҳитини янада яхшиланишини таъминлайдиган аниқ мақсадга қаратилган чора-тадбирлар мажмууни, шу жумладан корхоналар ва аҳоли инвестицияларини, чет эл инвесторларини қўллаб-куватлаш, ишлаб чиқарish ва инфратузилмани модернизация қилиш ва ривожлантиришга ҳисса қўшаётган хўжалик юритувчи субъектларни рағбатлантириш механизmlарини такомиллаштириш чораларини кўриш.

**6.** Иқтисодиётнинг барча соҳаларида олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда ҳақиқий рақобат муҳитини шакллантириб, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш, тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасидаги микро фирмалар, оиласвий ва хусусий корхоналарни ташкил этишни қўллаб-куватлаш.

**7.** Аграр соҳага янги технология ва инновацияларни жорий этиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва унумдорлигини ошириш, сув ресурсларидан самарали фойдаланишга эришиш, томорқа хўжалигини ривожлантириш, қишлоқ хўжалигига меҳнат унумдорлиги ва иш ҳакини ошириш мақсадида пахтатўқимачилик кластерларини ташкил этишни кўпайтириш, қишлоқ хўжалигига илмий асосланган ишлаб-чиқаришни йўлга кўйиш орқали озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш (1-жадвал).

**8.** Ижтимоий соҳа обьектларини, шунингдек янгиланган намунавий лойиҳалар асосида тураг жой ва иншоотларнинг қурилишига алоҳида эътибор бериш, электр-энергияси, табиий газ ва ичимлик суви таъминотини яхшилаш, йўллар қуриш ва таъмирлаш, шаҳар ва қишлокларни ободонлаштириш ҳамда “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларининг бажарилишини изчил давом эттириш (2 ва 3-жадваллар).

## II. Меърий ижодкорлик ишларида иштирок этиш ва

### ходимларнинг хуқуқий ҳимоясини таъминлаш.

Меъёрий ижодкорлик фаолиятини такомиллаштириш ва хуқуқий ҳимоя механизмларидан самарали фойдаланиш йўли билан ходимларнинг ижтимоий-иктисодий хуқуқлари ва манфаатларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида, Тарафлар қуидагиларни ўз зиммаларига оладилар:

**9.** Ходимларнинг меҳнат ва бошқа ижтимоий-иктисодий хуқуқлари ва қонуний манфаатларига тааллуқли меъёрий-хуқуқий хужжатларни ишлаб чиқиша вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси ҳамда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси вилоят худудий бошқармасининг иштирокини таъминлаш.

**10. Халқаро Меҳнат Ташкилотининг:**

- ✓ Ишлаб чиқаришда баҳтсиз ҳодиса юз берганда меҳнат қилувчиларга товон тўлаш тўғрисидаги 17-сонли;
- ✓ Иш ҳақини ҳимоя қилиш тўғрисидаги 95-сонли;
- ✓ Энг кам иш ҳақини ўрнатиш тўғрисидаги 131-сонли;
- ✓ Ҳақ тўланадиган таътиллар тўғрисидаги 132-сонли (1970 йилда қайта кўриб чиқилган);
- ✓ Оилавий мажбуриятлари билан меҳнат қилувчилар тўғрисидаги 156-сонли;
- ✓ Касаначилик тўғрисидаги 177-сонли;
- ✓ Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисидаги 1952 йилги конвенцияни қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги 183-сонли;
- ✓ Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенасига қўмаклашувчи асослар тўғрисидаги 187-сонли конвенцияларини миллий қонун хужжатларига имплементация қилиш имкониятларини ўрганиб чиқиш бўйича таклифлар билан чиқиш.

**11.** Олий ва ўрта маҳсус ўқув юртлари, шунингдек малака ошириш бўйича барча турдаги таълим муассасаларида «Халқаро ва миллий меҳнат стандартлари» мавзусида машғулотлар ўтказилишини йўлга қўйиш.

**12. Қуидагиларга доир таклифларни биргаликда тайёрлаш:**

- ✓ бандликнинг ностандарт турларида банд ходимлар ҳимоясини, меҳнат соҳасидаги ижтимоий шерикликни, жамоаларга доир меҳнат низоларини ҳал этиш тартибини ва ҳоказоларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг янги таҳрирдаги лойиҳаси мазмунига;
- ✓ давлат хизмати тизимини ташкил этиш ва фаолият кўрсатишининг асосий тамойилларини, давлат хизматининг кадрлар таркибини шакллантиришни, давлат хизматига ишга ўтиш, хизматни ўташ ва хизматдан кетиш масалаларини, бу борадаги кафолатларни тартибга солувчи “Давлат хизмати тўғрисида”ги Қонунни қабул қилишга;
- ✓ “истеъмол саватчаси” ва “тирикчилик учун зарур энг кам микдор” тушунчаларини қонуний тартибга солиш бўйича норматив-хуқуқий хужжат қабул қилишга;
- ✓ республикада ижтимоий тадбиркорлик йўналишини янада ривожлантиришга.

**13.** Вилоятда меҳнат бозорини тартибга солиш соҳасида қонун билан ўрнатилган тартиб устидан назорат самарадорлигини ошириш, шу жумладан, касаба уюшмалари инспекцияларининг иштирокини кенгайтириш.

**14.** Ижтимоий тармоқлардаги сахифалар ва ишонч телефонлари тармоғини

кенгайтириш, сайёр қабулларни жорий этиш орқали ижтимоий - меҳнат масалалари юзасидан аҳоли билан Қайта алоқа механизми каналларини янада кўпайтириш.

**15.** Меҳнат қонунчилиги бузилишининг олдини олиш борасида касаба уюшмаларининг барча бошқармалар, ташкилотлар ва идоралар ҳамда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси билан тизимли ҳамкорлигини таъминлаш.

**16.** Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексида назарда тутилган ҳолларда, меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинишида касаба уюшмаси қўмитасининг олдиндан розилигини олмай туриб бекор қилишга йўл қўйилмайди. Меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилишга розилик сўраб киритилган тақдимнома касаба уюшма қўмитасида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 2016 йил 19 апрелдаги 2-11-сонли қарори билан тасдиқланган “Касаба уюшмаси органида иш берувчининг тақдимномасини кўриб чиқиш тартиби” асосида кўриб чиқилади.

**17.** Касаба уюшмаларининг меҳнат қонунчилиги талаблари бузилган ҳолатлар бўйича киритган тақдимномаларини иш берувчилар (уларнинг бирлашмалари) кўриб чиқмагандан ёки ундаги талабларни бажаришни асоссиз рад этганда давлат меҳнат инспекциясига берилган қонуний ваколатларни қўллаган ҳолда бажарилишини таъминлаш.

**18.** Маълум бир соҳада ходимларни оммавий равишида ишдан озод этиш эҳтимоли тўғрисида камида икки ой олдин тегишли тармоқ касаба уюшмасининг вилоят органига ахборот тақдим этиш ва ишдан озод этиш оқибатларини енгиллаштиришга қаратилган маслаҳатли ишларни амалга ошириш.

**19.** Фуқаролар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари раҳбарларининг хуқуқий саводхонлигини ошириш борасида тизимли ишларни амалга ошириш.

**20.** Иш берувчиларни (корхона ва ташкилотлар раҳбарларини, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакилларини) “Меҳнат муносабатлари” бўйича малакаларини мунтазам ошириб боришларини таъминлаш.

**21.** Вилоятдаги корхона, ташкилот ва муассасаларда, шу жумладан тадбиркорлик субъектларида Халқаро меҳнат стандартларининг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилиш, уларнинг ижроси юзасидан биргаликда мониторинг ўрнатиш.

### **III. Меҳнатга ҳақ тўлаш, даромадлар ва аҳолининг турмуш даражаси**

Тарафлар келгуси даврда вилоят аҳолиси даромадлари ва турмуш даражасини оғишмай юксалтириб боришни, вилоятда фуқароларини ижтимоий қўллаб-куватлашни кучайтиришни назарда тутувчи чора-тадбирлар мажмуи амалга оширилишини зарур деб ҳисоблайдилар. Бу мақсадда Тарафлар қуидагиларни ўз зиммаларига оладилар:

**22.** Мазкур Келишувнинг амал қилиш даврида меҳнаткашларнинг реал иш ҳақи ва даромадларини оширишга, ялпи ҳудудий маҳсулот таркибида меҳнат ҳақи улушини 30 фоиздан кам бўлмаган миқдорда сақлаб туришга, истеъмол секторида инфляция даражасини 10 фоиздан пастга туширишга доир чоралар кўриш.

**23.** Жамoa шартномалари орқали меҳнатга ҳақ тўлашни тартиба солиш, иш ҳақидан қонунчиликда қўзда тутилмаган ушлаб қолишларга йўл қўймаслик чораларини кўриш.

**24.** Ҳудудий ва маҳаллий миқёсларда илмий асосланган меҳнат меъёрларини ишлаб чиқиш учун шарт-шароит яратиш орқали меъёрий негизни ривожлантириш ишларини давом эттириш.

**25.** Хўжалик хисобидаги ташкилотларда ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашни ташкил этиш учун асос сифатида Ягона тариф сеткасининг оширилган тариф коэффициентларини белгилашни жамоа шартномалари орқали амалга ошириш.

**26.** Меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг тариф қисми ва тарифга қўшимча қисми ўртасидаги мақбул нисбатни жамоа шартномалари воситасида ўрнатилишини таъминлаш.

**27.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 сентябрдаги 743-сонли қарори билан тасдиқланган “Туман коэффициентлари, шунингдек, йиллик қўшимча таътилнинг энг кам муддати қўлланиладиган табиий-иклим шароитлари оғир ва ноқулай бўлган жойлар рўйхати”да кўрсатилмаган табиий-иклим шароитлари оғир ва ноқулай бўлган айрим жойларда ишлаганлик учун устамалар ва қўшимча таътиллар қўлланилиши тўғрисидаги шартларни нобюджет ташкилотларининг жамоа шартномаларида назарда тутилишига эришиш.

**28.** Вилоятдаги корхоналарда энг паст лавозимдаги ходимлар Меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткасининг 1-разряди (тариф коэффиценти – камидা 1,000) бўйича тарификация қилинишини таъминлаш.

**29.** Мулк шаклидан қатъий назар вилоятдаги барча ташкилотларда:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 сентябрдаги 743-сон қарори билан тасдиқланган “Ишларнинг айрим технологик турлари, ишлаб чиқаришлар ва иқтисодий фаолият турлари бўйича ишчиларнинг тариф ставкаларини оширишнинг тармоқ коэффициентларини қўллаш тартиби ва уларнинг миқдорлари тўғрисида Низом” талаблари тадбиқ қилинишини;

кўчма ва қатнаш тузидағи ишлар учун устамалар белгиланадиган ходимлар касблари ва лавозимлари рўйхати, шунингдек, устамалар миқдори иш берувчилар томонидан касаба уюшмаси қўмитаси билан келишган ҳолда белгиланишини ва жамоа шартномасида кўрсатилишини;

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлиги, ҳамда Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлигининг 2019 йил 22 январдаги 2-2019/ҚҚ, 9 ва 1/103-сон қарори билан тасдиқланган “Автомобиль транспорти ҳайдовчилари меҳнатига ҳақ тўлашнинг умумий шартлари тўғрисидаги Низом” талаблари тадбиқ қилинишига эришиш.

**30.** Фермер хўжаликларида ишловчи ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш, кишлоқ хўжалигидаги касб ва лавозимлар бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш меъёрлари бўйича таклифлар тайёрлаш.

**31.** Иш ҳақи ўз вақтида тўланиши, меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори стандартларига риоя этилиши устидан давлат ва жамоатчилик назоратини кучайтириш.

**32.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 19 мартағи 88-сонли қарорига биноан иш ҳақи иш берувчиларнинг айби билан ўз вақтида тўланмаганлиги учун уларнинг жавобгарлигини, шу жумладан моддий жавобгарлигини жамоа шартномаларида назарда тутиш.

**33.** Чакана савдо, умумий овқатланиш ва қурилиш ташкилотларида ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрларига қатъий риоя

қилинишига алоҳида эътибор қаратиш. Фермер хўжаликлари, оилавий корхоналар бўйича шу каби талаблар ишлаб чиқилиб, жорий этилганда ижросини таъминлаш.

#### **IV. Мехнат бозорини ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш**

Мехнат бозорининг самарали фаолият юритишини таъминлаш ҳамда аҳолини иш билан таъминланганлик даражасининг юксалтирилишини ўз мақсади деб эътироф этган ҳолда Тарафлар янги иш ўринларини яратиш, кадрлар салоҳиятини сақлаб қолиш ва ривожлантириш борасида кучларни бирлаштириш зарур деб ҳисоблайдилар ва қуидагиларни ўз зиммаларига оладилар:

**34.** Вилоятда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, ижтимоий ҳимояга мухтоҷ оиласларни молиявий қўллаб-куватлаш (4-жадвал).

**35.** Бандлик йўналишлари, ҳудудлар кесимида аҳоли бандлиги йиллик дастурларини ишлаб чиқиш ва бажариш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминлаб бориш. Бунда барқарор иш ҳақини ва ҳавфсиз меҳнат шароитларини таъминловчи доимий иш ўринлари қишлоқ жойларида яратилишига, иш ўринларини ташкил этаётган иш берувчиларни янада рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратиш (5 ва 6-жадваллар).

**36.** Норасмий иқтисодиётдан расмий иқтисодиётга ўтиш концепцияси лойиҳасига таклифлар киритиш.

**37.** Халқаро Мехнат Ташкилотининг услубиёти бўйича ҳисоблаб чиқилган умумий ишсизлик иқтисодий фаол аҳолининг 5 фоизидан ошмаслигини таъминлаш, ишсиз фуқароларни касбий тайёргарликдан ўтказиш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, шунингдек уларни ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинишини кенгайтириш.

**38.** Олий ва ўрта маҳсус таълими муассасалари битиurvчилари, Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари сафидан муддатли ҳарбий хизматдан қайтган шахслар, ёшлар, вояга етмаган фарзандлари бор аёллар, ногиронлиги бор шахслар ва ижтимоий ҳимояга мухтоҷ аҳоли қатламларининг бошка тоифаларини ишга жойлаштирилишига ҳар томонлама кўмаклашиш.

**39.** Мехнат бозорини таҳлил қилиш асосида меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касблар бўйича мутахассислар тайёрлашни, таълим муассасалари битиurvчиларини мутахассислиги бўйича ишга жойлаштирилиши ва иш ўринларида қўнимлилиги таъминланиши учун иш берувчиларни рағбатлантириш механизmlарини жорий этиш.

**40.** Мехнат миграциясини хуқуқий тартибга солиш, шунингдек, қайтиб келаётган мигрантларни ишга жойлаштириш бўйича амалий чоралар кўриш.

**41.** Ижтимоий шериклар томонидан бандликнинг бекарор турларида банд фуқаролар хуқуқлари таъминланишига, хусусий бандлик агентликлари фаолияти устидан давлат ва жамоатчилик назоратини йўлга қўйишга, касаба уюшмаларининг ҳамда Иш берувчилар вакиллари ҳокимликлар хузуридаги тегишли Ишчи комиссиялар таркибиға киритилишини таъминлаш.

**42.** Юридик шахсларнинг тугатилиши ва қайта ташкил этилиши натижасида иш жойидан бўшатилган ходимларнинг қонуний хуқуқларига риоя этилиши, уларни қайта ўқитиш, малакасини ошириш ва ишга жойлаштиришга кўмаклашиш.

**43.** Ишлаб чиқариш корхоналарида малакали кадрларга эҳтиёж юқорилигини инобатга олган ҳолда долзарб касблар (пайвандчи, электромонтёр, турли станокларни

ишлатиш бўйича мутахассислар, хизмат кўрсатиши соҳасидаги мутахассислар ва ҳ.к.)га тайёрлаш бўйича қисқа муддатли инновацион ўкув курслар тармоғини кенгайтириш ва домий равишда ривожлантириб бориш.

**44.** Чироқчи эркин иқтисодий зонаси ва кичик саноат зоналарида ташкил этилган корхоналарда яратиладиган янги иш ўринларининг 10 фоизини захира қилиб қўйиш орқали касаба уюшмалари ва Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказларининг йўлланмалари асосида ушбу иш ўринларига иш топишда қийналаётган ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларни талаб мавжуд бўлган фаолият йўналишлари бўйича ишга жойлаштирилишига кўмаклашиш.

## **V. Мехнат хавфсизлиги ва гигиенаси**

Мехнат хавфсизлиги ва гигиенасини ҳамкорликнинг устувор йўналишларидан бири деб ҳисоблаган ҳолда, Тарафлар ўз зиммаларига қуидаги мажбуриятларни оладилар:

**45.** Мехнат хавфсизлиги ва гигиенаси тизимини жорий этиш, унинг фаолият кўрсатиши ва ривожланишини таъминлашда иштирок этиш.

**46.** Ижтимоий-мехнат масалалари бўйича уч томонлама комиссиялар таркибида тузиладиган меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлиги бўйича ишчи гурӯхлар фаолиятини ташкилотларда меҳнат шароитларини яхшилашга ва хавфсизлигини таъминлашга йўналтириш;

**47.** Ходимларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланишларини олдини олиш, шунингдек, уларнинг пайдо бўлиш сабабларини бартараф этиш ишларини амалга оширишга эътибор қаратиш ва жамоатчилик назоратини тизимли йўлга қўйиш.

**48.** Мехнат хавфсизлиги ва гигиенаси масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиши соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва норматив-хуқуқий ҳужжатларда ҳамда тармоқ ва худудий келишувлар, жамоа шартномаларида кўзда тутилган, ходимларга яратилган меҳнат шароитлари, саноат ва экологик хавфсизлик ҳолатини давлат назорат органлари билан ҳамкорликда текширишни амалда кенг қўллаш.

**49.** Уч томонлама комиссиянинг ваколати доирасида давлат ва жамоатчилик назоратини амалга оширишда қуидагиларга эътибор қаратади:

- ✓ ташкилот раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахсларидан меҳнат шароитлари ва хавфсизлиги, шунингдек, ишлаб чиқариш билан боғлиқ барча баҳтсиз ҳодисалар ва касб касалликлари тўғрисида тўлиқ ахборот олиниши;

- ✓ корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси бўйича тадбирларнинг молиялаштирилиши;

- ✓ ишлаб чиқаришдаги баҳтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан давлат томонидан мажбурий ижтимоий суғурта қилинишини, шунингдек иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тизимини таъминланиши;

- ✓ иш ўринларида меҳнат шароитларининг ҳолати, айниқса заарли ишлаб чиқариш омиллари ва хавфли ишлаб чиқариш омиллари юзасидан назорат амалга оширилиши;

- ✓ ходимларга имтиёзлар ва компенсациялар белгиланадиган, имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш ҳуқуқи бериладиган, ногиронлиги бор шахслар банд бўлган заарли, хавфли ва бошқача меҳнат шароитларига эга иш ўринларида қонун

хужжатларида белгиланган тартибда иш ўринларининг меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказилиши;

✓ дастлабки тарзда (ишга кираётганда) ва даврий (меҳнат фаолияти давомида) мажбурий тиббий кўриклар белгиланган тартибда ўтказилиши;

✓ иш берувчиларнинг жамоа шартномаларида меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси ҳолати юзасидан кўзда тутилган мажбуриятларининг бажаришини ўрганиш;

✓ ходимларга қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзлар ва компенсацияларни берилиши, ҳамда уларга меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўл-йўриклар берилгани, меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича ўкувдан ва малака оширишдан ўтганлиги;

✓ ходимлар белгиланган нормалар бўйича сут, даволаш-профилактика озиқовқати, газланган тузли сув, шахсий ҳимоя ҳамда гигиена воситалари билан таъминланиши, шунингдек жамоавий ҳимоя воситалари қўлланилиши ҳолати;

✓ ишлаб чиқариш объектлари ва ишлаб чиқариш воситаларини синаш ва фойдаланиш учун қабул қилиш комиссиялари ишида ҳамда тиббий-меҳнат эксперт комиссияси мажлисларида мустақил эксперт сифатида иштирок этилиши;

✓ меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишида иштирок этиш;

✓ ишлаб чиқаришда меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси талабларининг бузилиши ва баҳтсиз ҳодисаларни яширганликда айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида ваколатли органларга мурожаат қилиниши;

✓ меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси бўйича ваколатли вакилларни сайлаш, ўқитиши, ва уларни малакасини доимий равишда ошириб бориш ҳамда жамоа шартномаларига ўз фаолиятини самарали амалга ошириши учун қулай шароитларни яратиш мажбуриятини киритилиши.

**50.** Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив хуқуқий ҳужжатлар ва норматив-хуқуқий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиши ҳамда уларни ҳалқаро стандартларга мувофиқ ишлаб чиқиш ва чорий этиш дастурини тасдиқлаш, уни ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши бўйича ишларни мувофиқлаштирилишини таъминлаш.

**51.** Қишлоқ хўжалигида банд бўлган аҳолининг меҳнатини муҳофаза қилиш ишларини янада такомиллаштириш мақсадида қишлоқ хўжалигида меҳнат муҳофазасига оид талаб ва меъёрлар стандартларини ишлаб чиқиш.

**52.** Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси масалаларининг муҳим ўрин тутиши ҳақида жамоат фикрини шакллантириш бўйича оммавий ахборот воситалари орқали кенг тушунтириш ишларини олиб бориш.

**53.** Касаба уюшмалари тизимида меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси бўйича жамоат назоратини ташкил этиш юзасидан уч томонлама ҳамкорларни жалб этган ҳолда Республика кўрик-танловининг вилоят босқичини ташкил этиш ва ўтказиш.

## **VI. Ижтимоий кафолатлар, ижтимоий ҳимоя**

Ходимлар ҳамда уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш, муносиб ҳаёт учун меҳнат қилиш шарт-шароитларини яратиб бериш мақсадида Тарафлар ўз зиммаларига қуидаги мажбуриятларни оладилар:

**54.** Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қўйилган вазифалардан келиб чиқиб 2030 йилгача аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш стратегияси лойиҳаси бўйича таклифлар тайёрлаш.

**55.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 декабрдаги “Кексалар ва ногиронларни давлат томонидан қўллаб-куватлаш тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-2705-сонли Карорини вилоятда бажарилишини таъминлаш.

**56.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга оид Давлат дастурлари ижроси таъминланишига ҳар томонлама кўмаклашиш;

**57.** Ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан “Наврӯз” ва “Мустақиллик” байрамлари арафасида ўтказиладиган мақсадли умумхалқ хайрия ҳашарларини ташкил этиш.

**58.** Жамоа шартномалари орқали кам таъминланган оиласаларга, кўп болали оиласаларга, уруш ва меҳнат фахрийларига доимий равишда моддий ёрдам кўрсатиб бориш.

**59.** Касаба уюшмалари ва Иш берувчилар томонидан ёлғиз кексаларга, шунингдек “Мехрибонлик”, “Саҳоват” ва “Мурувват” уйларига моддий кўмак чораларини кўллаш.

## **VII. Маданий-маърифий ишлар, жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш**

Тарафлар ўз зиммаларига қуидаги мажбуриятларни оладилар:

**60.** Ходимлар ва уларнинг оила аъзоларининг фойдали ҳамда мазмунли ҳордиқ чиқаришларини ташкил этиш мақсадида маънавий-маърифий, маданий-оммавий ва спорт тадбирларини ҳамкорликда ўтказиш;

**61.** Даволаниш ва дам олиш учун замонавий шароитлар яратиш, санаторийлар ва санаторий-профилакторийлар, шунингдек, болалар соғломлаштириш оромгоҳларида замонавий шарт-шароитлар яратиш, сменалар сонини кўпайтириш ҳамда уларни модернизация қилишга алоҳида эътибор қаратиш (7 ва 8-жадваллар);

**62.** Ходимларга жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун етарли шароитлар яратиб бериш (спорт майдончалари ташкил этиш, махсус спорт хоналарини ажратиш), турли спорт секциялари ва тўгаракларига жалб этиш, меҳнат жамоаларида ходимлар гимнастикасини жорий этиш ҳамда жисмоний тарбия жамоалари фаолиятини йўлга қўйиш. Спорт-соғломлаштириш муассасаларининг моддий-техник базасини яхшилаш.

**63.** Ҳар йили кам таъминланган ва кўп болали оиласалар аъзолари, Чернобил АЭСидаги фалокатни бартараф этиш иштирокчилари, байналминалчи жангчилар,

ишилаётган меҳнат фахрийлари ва ногиронлиги бор шахслар ҳамда Ўзбекистон Республикаси олдида хизматлари бор шахсларнинг маълум миқдорини имкониятдан келиб чиқиб, касаба уюшмалари тизимидағи соғломлаштириш муассасаларида бепул соғломлаштиришни ташкил этиш.

**64.** Ёз мавсумида болаларнинг болалар соғломлаштириш оромгоҳларида дам олиши ва соғломлаштирилишини ташкил этиш, “Мехрибонлик” уйлари тарбияланувчилари, шунингдек республиканинг экология жиҳатдан нокулай минтақаларида истиқомат қилувчи болаларни соғломлаштиришига кўмаклашиш (9-жадвал).

**65.** Иш берувчиларга ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини хар йили маданий дам олдириш ва соғломлаштиришларини ҳамда “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!” дастури доирасидаги саёҳатлари учун шароит яратиш, ички туризмни ривожлантириш чораларини кўриш.

### VIII. Аёллар ва ёшлар учун қўшимча кафолатлар

Тарафлар аёллар ва ёшлар учун Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган кафолатларга риоя этишни ва имтиёзлар беришни ўз зиммасига олган ҳолда қўйидагиларни зарур деб ҳисоблайдилар:

**66.** Халқаро Меҳнат Ташкилотининг қўйидаги Конвенцияларига вилоятда оғишмай риоя этилишини таъминлаш:

- ✓ “Зўраки ёки мажбурий меҳнат тўғрисида”ги 29-сонли Конвенция;
- ✓ “Тенг аҳамиятли меҳнат учун эркаклар ва хотин-қизларга тенг хақ тўлаш тўғрисида”ги 100-сонли Конвенция;
- ✓ “Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги 103-сонли Конвенция;
- ✓ “Мажбурий меҳнатни тугатиш тўғрисида”ги 105-сонли Конвенция;
- ✓ “Меҳнат ва иш турлари соҳасида камситишлар тўғрисида”ги 111-сонли Конвенция;
- ✓ “Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида”ги 138-сонли Конвенция;
- ✓ “Болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисида”ги 182-сонли Конвенция.

**67.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича бешта мухим ташаббуси” бўйича дастурларидан келиб чиқиб ёшлар ва хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилиш, шу жумладан:

- ✓ ишилаётган ёшлар фаолиятидаги, олий ва ўрта мухсус ўқув юртлари талабалари ўртасида салбий ҳолатларни, жумладан, эртанги кунга ишонч сўнишининг олдини олиш, иш хақи, меҳнат шароитларидан миннатдорлик ҳиссини уйғотиш мақсадида ёшлар ўртасида маданий-маърифий, жисмоний тарбия ва спорт тадбирларини амалга ошириш.
- ✓ ёшларнинг хорижий тил, компьютер саводхонлиги ҳамда замонавий билимларни мукаммал эгаллашларига турли хил ўқувлар ўтказиш орқали кўмаклашиш, улар орасидан салоҳиятли ёшларни танлаб олган ҳолда кадрлар захирасини шакллантириш.

**68.** Битирувчи ёшларни ишга жойлаштирилишини ва иш жойларида кўнимлилигини алоҳида назоратга олиш.

**69.** Жамоа шартномаларида қуидагилар назарда тутилишини таъминлаш:

- ✓ хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг хуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш мажбуриятларини ташкилотларнинг ва улар таркибий бўлинмаларининг ваколатли шахси зиммасига юклатиш;

- ✓ ишга қабул қилиш ва хизмат бўйича кўтаришда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг хуқуқ ҳамда имкониятларни яратиш;

- ✓ хотин-қизлар ва эркаклар меҳнатига ҳақ тўлашда нотенгликни бартараф этиш.

**70.** Жамоа шартномаларида аёллар ва ёшларга имтиёзлар бериш, улар учун маънавий ва моддий қўллаб-қувватлашнинг қуидаги чораларини қўллашга эришиш:

- ✓ ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари кунини узайтириш;

- ✓ болали аёлларга моддий ёрдам кўрсатиш ва қисқартирилган иш вақтини ўрнатиш;

- ✓ таълим муассасалари битирувчиларига меҳнат муносабатлари соҳасида кўшимча имтиёзлар ўрнатиш;

- ✓ узок муддат фойдаланиладиган товарлар харид қилиш, уй-жой қурилиши, шунингдек сафарбарлик чақируви захирасида хизматни ўташга ҳақ тўлаш учун ёш ходимларга фоизсиз ссудалар бериш.

**71.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 марта ГПҚ-4235-сонли “Хотин-қизларнинг меҳнат хукуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги Карорида кўзда тутилган кафолатларга риоя этилишини ҳамда имтиёзлар берилишини таъминлаш.

**72.** Ҳар бир меҳнат жамоасида “Устоз-шогирд” тизимини жорий этиш. Бунда, таълим муассасасини тамомлагандан кейин биринчи марта ишга қабул қилинган ходимга бир йил давомида тажрибали ходимни “Устоз” сифатида бириктириш ва “Устоз” ходимларни рағбатлантириш микдорини жамоа шартномаларида аниқ белгиланишини таъминлаш.

## **IX. Ижтимоий мулокот ва ижтимоий шерикликни ривожлантириш**

Тарафлар, ижтимоий-меҳнат муносабатлари соҳасидаги муаммоларни маърифий йўл билан ҳал этиш услуби ҳисобланган ижтимоий мулокот ғоясига содиқлигини эълон қилиб, ўз зиммаларига қуидаги мажбуриятларни оладилар:

**73.** Касаба уюшмалари ва иш берувчилар бирлашмаларининг қонуний хукуқларига риоя этиш, уларнинг қонун хужжатларида белгилаб қўйилган тартибда тузилишига ва фаолият юритишига тўскинлик қилинишига йўл қўймаслик.

**74.** Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар, шунингдек пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари (кластерлар) иш берувчиларига касаба уюшмаси ташкилотини тузиш юзасидан тавсиялар бериш.

**75.** Ягона музокара жараёнини тадбиқ қилиш мақсадида қуидагиларга эришилади:

барча жамоа шартномалари лойиҳаларини жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш;

✓ корхона, ташкилот ва муассасаларда жамоа шартномаларини март ойидан кечиктирмай тузиш;

✓ жамоа шартномаларини бажариш яқунларини меҳнат жамоалари умумий йиғилиш (конференция)ларида тегишли йилнинг 1 апрелидан кечиктирмасдан кўриб чиқиш.

**76.** Касаба уюшмаларининг қарорлар қабул қилиш жараёнидаги иштирокини таъминлаш мақсадида қўйидагиларни тавсия этиш:

✓ вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси раҳбар ходимларини Ҳалқ Депутатлари вилоят Кенгашининг тегишли масалалар бўйича доимий комиссиялари таркибига киритиш ва йиғилишларида кузатувчи сифатида иштирок этишларини;

✓ бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти раҳбарини корхонанинг бошқарув органлари таркибига киритилишини;

✓ вилоят ҳокимликлари ҳузуридаги Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Мъмурий кенгашлар таркибига касаба уюшмалари вакиллари киритилишини.

**77.** Долзарб ижтимоий иқтисодий масалаларни мухокама қилиш учун касаба уюшмалари фаоллари ва иш берувчиларнинг вилоят ҳокимлиги, бошқармалар ва идоралар вакиллари билан жамоатчилик эшитувларини ташкил этиб бориши.

**78.** Ходимларнинг ёзма аризалари мавжуд бўлганда касаба уюшмасининг тегишли ҳисобварағига ходимларнинг иш ҳақидан ушлаб қолинган касаба уюшмасига аъзолик бадаллари ўз вақтида ўтказилишини таъминлаш.

## **X. Келишувнинг амал қилиши, уни амалга ошириш механизми ва бажарилиши учун тарафларнинг жавобгарлиги**

**79.** Мазкур келишув 2020-2022 йиллар учун тузилган бўлиб навбатдагиси қабул қилингунга қадар амалда бўлади. Келишув Қашқадарё вилоятининг бутун худудида амал қиласди.

**80.** Тарафлар мазкур Келишувни ижтимоий-иқтисодий масалалар хусусида келишиб сиёsat олиб боришининг умумий принципларини белгилаб берувчи ижтимоий шерикликнинг асосий хужжати деб эътироф этадилар ҳамда мазкур Келишувга амал қилиш, унинг барча шартларини бажариш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар.

**81.** Мазкур келишув имзолангандан сўнг Тарафлар келишувда белгиланган вазифаларнинг тўлиқ амалга оширилишини таъминлаш мақсадида Қашқадарё вилоятидаги барча бошқармалар ва идораларга ҳамда шаҳар ва туман ҳокимликларига ижро учун юборилишини, улар томонидан зарур чора-тадбирлар белгиланишини таъминлайди.

**82.** Мазкур келишувнинг айрим меъёрий ҳолатлари корхона, ташкилот ва муассасаларнинг жамоа шартномаларига киритиш орқали амалга оширилади.

**83.** Келишувга имзо чеккан Тарафлар унинг мақсадлари рўёбга чиқарилиши учун ўз ваколатлари доирасида масъулиятни тан олиб, юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни ҳал этишда ҳамкорлик қилиш мажбуриятини олади.

**84.** Тарафлар мазкур келишувнинг амал қилиш даврида қўйидагиларни зарур деб ҳисоблайдилар:

✓ ижтимоий-мехнат муносабатларининг энг муҳим масалалари юзасидан Тарафларнинг манфаатларига тааллуқли қарорлар қабул қилишдан олдин ўзаро маслаҳатлашувлар ўтказиш;

✓ ҳар йили камида бир марта Келишув бажарилишининг бориши ва якунларини мухокама қилиб бориш.

**85.** Мазкур Келишувга имзо чеккан Тарафларнинг ҳар бири унга аввал олинган мажбуриятларнинг бажарилишига тўсқинлик қилмайдиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар беришга ҳақлидир. Ушбу таклифлар Тарафларнинг ўзаро розилиги билан қабул қилинади.

**86.** Мазкур келишувнинг бажарилиши устидан назоратни Тарафлар томонидан тасдиқланган уч томонлама комиссия амалга оширади.

2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_ да Қарши шахрида тузилди.

**Қашқадарё вилоят ҳокими**

**З. Мирзаев**

**Вилоят касаба уюшмалари  
ташкилотлари бирлашмаси  
Кенгаши раиси**

**Э. Ражабов**

**Ўзбекистон Савдо - саноат  
палатаси вилоят худудий  
бошқармаси бошлиғи**

**М. Гулов**

**Қашқадарё вилоят ҳокимлиги, вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси ҳамда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси ўртасида 2020-2022 йиллар учун тузилган миңтақавий келишувга илова қилинган 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9-жадваллар ва уларнинг номланиши**

**1-жадвал** 2020 йил вилоядаги ишлаб чикариладиган озиқ-овқат ва етиштириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари режаси.

**2-жадвал** “Обод қишлоқ” дастури доирасида 2020 йилда қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга ошириладиган маҳаллаларнинг манзилли рўйхати.

**3-жадвал** “Обод маҳалла” дастури доирасида 2020 йилда қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга ошириладиган маҳаллаларнинг манзилли рўйхати.

**4-жадвал** 2020 йилда вилоят аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш учун маҳаллий бюджетдан шаҳар ва туманлар бўйича ажратиладиган маблағлар режаси.

**5-жадвал** Қашқадарё вилоятида 2020 йилда доимий янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича прогноз параметрлари.

**6-жадвал** Қашқадарё вилоятида 2020 йилда ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналадиган фуқароларни ишга жойлаштириш учун банд қилинган иш ўринлари режаси.

**7-жадвал** Вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмасидан аъзо тармоқ касаба уюшмалари бўйича 2020 йилда ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобидан санаторий йўлланмаларининг тақсимоти.

**8-жадвал** Вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмасидан аъзо тармоқ касаба уюшмалари бўйича 2020 йилда касаба уюшма бюджети маблағлари ҳисобидан олинадиган санаторий йўлланмаларининг тақсимоти.

**9-жадвал** 2020 йилда ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобидан санаторий ва болалар оромгоҳлари йўлланмаларининг тармоқлар бўйича тақсимоти.

**жадвал № 1**

**2020 йил вилояда ишлаб чыкариладиган озиқ-овқат ва етиштириледиган  
қишлоқ хұжалиги маңсулотлари Режаси**

<b>T/p</b>	<b>Маңсулот түри</b>	<b>Үлчов бирлиги</b>	<b>Режа</b>
1.	Ун	Минг тонна	145,1
2.	Үсимлик ёғи	Минг тонна	9,5
3.	Гүшт	Минг тонна	300,0
4.	Сут	Минг тонна	1157,4
5.	Тұхум	Минг дона	673500,0
6.	Пахта	Минг тонна	381,3
7.	Бошоқли дон	Минг тонна	957,8
8.	Картошка	Минг тонна	176,6
9.	Сабзавот	Минг тонна	537,8
10	Мева	Минг тонна	179,2

## 2-жадвал

## **“Обод қишлоқ” дастури доирасида 2020 йилда қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга ошириладиган маҳаллаларнинг МАНЗИЛЛИ РҮЙХАТИ**

10.	<b>Қосон</b>	Гулобод МФЙ	9703	10,5	143	16	11	30	1	147	1		1	1
11.	<b>Қосон</b>	Ушоктепа МФЙ	12637	9,4	132	17	12	40	15	175		1		1
12.	<b>Қосон</b>	Юксалиш МФЙ	17781	10,1	143	13	8	50	1	149	3	1	1	1
13.	<b>Қамаши</b>	Баландчайла МФЙ	18938	10,5	210	20	8	86	5	80	2	1	1	1
14.	<b>Қамаши</b>	Дўстлик МФЙ	16357	10,5	90	11	3	73	7	60	1	1		
15.	<b>Қамаши</b>	Пахтаобод МФЙ	16044	10,5	368	33	6	65	60	102	2	1		
16.	<b>Китоб</b>	Бешқазоқ МФЙ	12105	10,7	155	22	11	58	7	27	1			1
17.	<b>Китоб</b>	Жилисув МФЙ	13713	9,9	210	34	19	76	16	35	1			1
18.	<b>Китоб</b>	Паландара МФЙ	24338	10,3	180	58	20	55	34	49	2		1	1
19.	<b>Қасби</b>	Дўстлик МФЙ	15549	10,0	172	28	16	42	11	18	1	2		1
20.	<b>Қасби</b>	Хўжакхайрон МФЙ	17695	10,5	260	43	17	53	36	24	1	1	1	1
21.	<b>Қасби</b>	Қамаши МФЙ	16627	10,2	144	26	14	15	24	31	1	1	1	1
22.	<b>Муборак</b>	Муборак МФЙ	11408	10,6	179	19	5		2	20	1	1		1
23.	<b>Муборак</b>	Обод турмуш МФЙ	11395	10,0	158	15	6	50	12	45		1		1
24.	<b>Муборак</b>	Олмазор МФЙ	12421	10,5	203	23	14	40	10	60	1	1		1
25.	<b>Миришкор</b>	Обод ҚФЙ	17296	9,0	266	31	11	54	3	250	1	1		1
26.	<b>Миришкор</b>	Зафар МФЙ	14868	8,5	132	7	8	85	4	310	1	1	1	1
27.	<b>Миришкор</b>	Калта МФЙ	15555	9,5	203	24	12	63		160	1	1		1
28.	<b>Нишон</b>	А.Қодирий МФЙ	12890	10,9	258	18	5	70		334	1			1
29.	<b>Нишон</b>	Каптарли МФЙ	12306	10,5	160	14	3	59		289	1			1
30.	<b>Нишон</b>	Самарқанд МФЙ	14034	10,5	123	14	5	68		268	1			1
31.	<b>Чироқчи</b>	Кукдала МФЙ	11509	9,5	325	28	20	50	16	60		1		

32.	<b>Чироқчи</b>	Гулистон МФЙ	14562	9,8	261	18	15	70	25	65	1	1		1
33.	<b>Чироқчи</b>	Янгикишлок МФЙ	14147	8,9	135	11	9	55	9	70	2	1		1
34.	<b>Яккабоғ</b>	Кенгузар МФЙ	11656	8,0	315	30	11	72	30	19				
35.	<b>Яккабоғ</b>	Сандал МФЙ	17076	8,5	313	32	15	54	5	21	1	1	1	
36.	<b>Яккабоғ</b>	Татар МФЙ	10278	8,5	296	36	11	65	8	22	3	1		
37.	<b>Шахрисабз т</b>	Қушқанот МФЙ	10244	10,0	151	17	8	60	7	112	1			1
38.	<b>Шахрисабз т</b>	Мевазор МФЙ	14250	10,5	176	21	8	40	10	85	1	1		1
39.	<b>Шахрисабз т</b>	Ўртакурғон МФЙ	8914	10,0	165	16	8	45		93	1	1		1
	<b>ЖАМИ:</b>		<b>531789</b>	<b>376</b>	<b>8021</b>	<b>905</b>	<b>406</b>	<b>2012</b>	<b>449</b>	<b>3543</b>	<b>45</b>	<b>29</b>	<b>12</b>	<b>31</b>

З-жадвал

**"Обод махалла" дастури доирасида 2020 йилда қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга ошириладиган  
махаллаларнинг  
МАНЗИЛЛИ РҮЙХАТИ**

№	Туманлар номи	МФЙ (кишлек) номи	Талаб этилдиган маблаг (млн. сүм)	Йўлларни таъмирлаш (км)	Электр таъминотини яхшилаш			Газ таксимлаш пунктлари (ГРП) ва суюлтирилган газ балонларини таркатиш (дона)	Ичимлик сув таъминоти тизимини яхшилаш (км)	Якка тартибдаги ўй-жойларни таъмирлаш (дона)	Умумий ўрта таълим мактабларни барпо этиш ва таъмирлаш (дона)	Мактабгача таълим ташкилотларини барпо этиш ва таъмирлаш (дона)	Соғникни саклаш муассасаларини барпо этиш ва таъмирлаш (дона)	Бошка турдаги ижтимоий соҳа объектларини барпо этиш ва таъмирлаш (дона)
					Таянч устуналар ўрнатиш	Электр тармоқлар тортishi ва алмаштириш	Трансформаторлар ўрнатиш ва алмаштириш							
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15
1.	Қарши ш.	Қавали МФЙ	15925	14,7	197	17	5	2	12	43		1		1
2.	Қарши ш.	Арабхона МФЙ	21121	19,0	77	9	11	1	2	42	1	1	1	1
3.	Қарши ш.	Мағзон МФЙ	15717	13,4	112	7	7	1	5	40	1	1		1
4.	Шахрисабз ш.	Тутзор МФЙ	20091	14,2	25	2	1	2	5	60	1	1	1	1
5.	Шахрисабз ш.	Турон МФЙ	10691	5,3	117	5	2	15	4	50		1		1
6.	Шахрисабз ш.	Яшилдиёр МФЙ	15425	19,5	71	3	1	35	7	40	1	1		1
<b>Жами:</b>			<b>98971</b>	<b>86</b>	<b>599</b>	<b>43</b>	<b>27</b>	<b>56</b>	<b>35</b>	<b>275</b>	<b>4</b>	<b>6</b>	<b>2</b>	<b>6</b>

## жадвал № 4

**2020 йилда вилоят аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш учун маҳаллий  
бюджетдан шаҳар ва туманлар бўйича ажратиладиган маблағлар**

**Режаси**

(минг сўм ҳисобида)

№	Шаҳар ва туманлар номи	Вояга етмаган болалари бўлган оиласлар нафақаси	0-2 ёшгача бола парвариши да бўлган оналар нафақаси	Кам таъминланган оиласларга моддий ёрдам пуллари	Компенсациялар	Шаҳар ва туманлар бўйича жами
1.	Қарши ш.	3351270	9002241	2086845	2376868	<b>16817224</b>
2.	Шахрисабз ш.	6241060	8150025	2895194	2579682	<b>19865961</b>
3.	Ғузор т.	11806635	12000615	4571541	4015536	<b>32394327</b>
4.	Дехқонбод т	11704513	9080219	6718755	4323538	<b>31827025</b>
5.	Қамаши т.	16775555	18993712	3823795	5072280	<b>44665342</b>
6.	Қарши т.	8885987	9274258	2283211	3153179	<b>23596635</b>
7.	Косон т.	9181242	18134713	1440927	4518131	<b>33275013</b>
8.	Китоб т.	5460372	10156327	1724292	2412334	<b>19753325</b>
9.	Муборак т.	956351	2926095	360256	658097	<b>4900799</b>
10.	Нишон т.	5216942	7646205	1586673	2179156	<b>16628976</b>
11.	Касби т.	8539977	12678821	1878139	3269118	<b>26366055</b>
12.	Миришкор т.	3035632	6070377	1488907	1628979	<b>12223895</b>
13.	Чироқчи т.	26048499	30634953	7858500	9563806	<b>74105758</b>
14.	Шахрисабз т.	11887686	17510284	4463577	4961010	<b>38822557</b>
15.	Яккабоғ т.	13785771	15143223	4750458	5463436	<b>39142888</b>
	<b>Вилоят бўйича жами</b>	<b>142877492</b>	<b>187402068</b>	<b>47931070</b>	<b>56175150</b>	<b>434385780</b>

## жадвал № 5

**Қашқадарё вилояттида 2020 йилда доимий янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича прогноз параметрлари**

Т/р	Кўрсаткичлар	Вилоят бўйича жами	шу жумладан туманлар (шахар) кесимида:														
			Қарни шахри	Шахрисабз шахри	Ғузор	Дехканобод	Қамаши	Қарни	Касби	Китоб	Қосон	Миришкор	Муборак	Нишон	Чирокчи	Шахрисабз	Яккабог'
	<b>Жами янги иш ўринларини ташкил этиш</b>	<b>21018</b>	<b>2611</b>	<b>1097</b>	<b>1171</b>	<b>1375</b>	<b>1023</b>	<b>1594</b>	<b>1381</b>	<b>1402</b>	<b>1095</b>	<b>1187</b>	<b>1202</b>	<b>1411</b>	<b>2078</b>	<b>1273</b>	<b>1118</b>
	<i>шу жумладан:</i>																
1.	<b>Йирик лойиҳалар ва бюджет маблағлари хисобига яратиладиган иш ўринлари</b>	<b>1696</b>	<b>160</b>	<b>90</b>	<b>112</b>	<b>110</b>	<b>92</b>	<b>130</b>	<b>102</b>	<b>113</b>	<b>89</b>	<b>98</b>	<b>125</b>	<b>114</b>	<b>168</b>	<b>103</b>	<b>90</b>
	<b>Кичик корхона ва микрофирмаларда ташкил этиладиган иш ўринлари</b>	<b>10564</b>	<b>1340</b>	<b>552</b>	<b>578</b>	<b>691</b>	<b>509</b>	<b>800</b>	<b>700</b>	<b>705</b>	<b>550</b>	<b>595</b>	<b>589</b>	<b>709</b>	<b>1045</b>	<b>639</b>	<b>562</b>
	<i>шу жумладан:</i>																
2.1.	<b>Янги кичик корхона ва микрофирмалар ташкил этиш хисобига</b>	<b>5150</b>	<b>653</b>	<b>269</b>	<b>282</b>	<b>337</b>	<b>248</b>	<b>390</b>	<b>341</b>	<b>344</b>	<b>268</b>	<b>290</b>	<b>287</b>	<b>346</b>	<b>510</b>	<b>311</b>	<b>274</b>
2.2.	<b>Мавжуд корхоналар фаолиятини кенгайтириш хисобига</b>	<b>5414</b>	<b>687</b>	<b>283</b>	<b>296</b>	<b>354</b>	<b>261</b>	<b>410</b>	<b>359</b>	<b>361</b>	<b>282</b>	<b>305</b>	<b>302</b>	<b>363</b>	<b>535</b>	<b>328</b>	<b>288</b>

3.	<b>Оилавий ва якка тартибдаги тадбиркорликни ташкил этиш</b>	<b>8758</b>	<b>1111</b>	<b>455</b>	<b>481</b>	<b>574</b>	<b>422</b>	<b>664</b>	<b>579</b>	<b>584</b>	<b>456</b>	<b>494</b>	<b>488</b>	<b>588</b>	<b>865</b>	<b>531</b>	<b>466</b>
	<i>шу жумладан:</i>																
3.1.	Янги рўйхатдан ўтадиган якка тартибдаги тадбиркорлар сони	<b>8500</b>	<b>1078</b>	<b>443</b>	<b>465</b>	<b>556</b>	<b>410</b>	<b>644</b>	<b>563</b>	<b>567</b>	<b>443</b>	<b>479</b>	<b>474</b>	<b>571</b>	<b>840</b>	<b>515</b>	<b>452</b>
3.1.1.	<i>иундан, ҳунармандчилик уюмасига аъзо қилинадиганлар</i>	<b>775</b>	<b>98</b>	<b>40</b>	<b>42</b>	<b>51</b>	<b>37</b>	<b>60</b>	<b>51</b>	<b>52</b>	<b>40</b>	<b>44</b>	<b>42</b>	<b>52</b>	<b>77</b>	<b>47</b>	<b>42</b>
3.2.	<i>Якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан жалб этиладиган ёлланма ишчилар сони</i>	<b>258</b>	<b>33</b>	<b>12</b>	<b>16</b>	<b>18</b>	<b>12</b>	<b>20</b>	<b>16</b>	<b>17</b>	<b>13</b>	<b>15</b>	<b>14</b>	<b>17</b>	<b>25</b>	<b>16</b>	<b>14</b>

**жадвал № 6**

**Қашқадарё вилоятида 2020 йилда ижтимоий муҳофазага мухтож ва иш топишда  
қийналадиган фуқароларни ишга жойлаштириш учун  
банд қилинган иш ўринлари  
Режаси**

Т/ р	Туманлар номи	Қабул қилинган карор раками ва санаси	Иш ўринлари банд қилинган корхоналар сони	Уларда ишлиловч и-лар сони	Банд қилинган иш ўринлари сони	
					жами	шу жумлада н, ногирон- лар учун
1	Қарши ш.	2019 йил 25 сентябрь Х-3876/09-сонли	87	29120	468	24
2	Шахрисабз ш.	2019 йил 24 сентябрь Х-2667/09-сонли	27	2451	100	5
3	Ғузор т.	2019 йил 08 сентябрь Х-3316/09-сонли	16	4103	137	6
4	Дехконобод т.	2019 йил 19 сентябрь Х- 2070/09-сонли	31	5635	166	6
5	Қамаши т.	2019 йил 13 сентябрь Х-4653/09-сонли	20	4808	116	3
6	Қарши т.	2019 йил 13 сентябрь Х-7591/09-сонли	93	9897	144	4
7	Касби т.	2019 йил 20 сентябрь Х-3179/09-сонли	105	8473	198	6
8	Китоб т.	2019 йил 06 сентябрь Х-4812/09-сонли	28	8110	146	3
9	Қосон т.	2019 йил 06 сентябрь Х-4745/09-сонли	12	3673	367	11
10	Миришкор т.	2019 йил 11 сентябрь Х-2774/09-сонли	55	3926	110	3
11	Муборак т.	2019 йил 11 сентябрь Х-2199/09-сонли	20	5350	236	10
12	Нишон т.	2019 йил 25 сентябрь Х-4447/09-сонли	19	5730	92	2
13	Чироқчи т.	2019 йил 29 сентябрь Х-3514/09-сонли	29	2356	98	8
14	Шахрисабз т.	2019 йил 20 сентябрь Х-4672/09-сонли	23	5371	161	5
15	Яккабоғ т.	2019 йил 16 сентябрь Х-5469/09-сонли	44	5421	179	7
<b>Жами:</b>			<b>609</b>	<b>104424</b>	<b>2718</b>	<b>103</b>

**жадвал № 7**

**Вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмасидан аъзо тармоқ  
касаба уюшмалари бўйича 2020 йилда ижтимоий суғурта маблағлари хисобидан  
санаторий йўлланмаларининг  
Тақсимоти**

т/р	Тармоқлар номи	Санатория йўлланмалари	I чорак	II чорак	III чорак	IV чорак
1.	<b>Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси</b>	207	64	46	44	53
2.	<b>Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси</b>	955	104	322	409	120
3.	<b>Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси</b>	191	22	78	63	28
4.	<b>Нефт-газ ва геология ходимлари касаба уюшмаси</b>	109	26	31	33	19
5.	<b>Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси</b>	159	33	45	51	30
6.	<b>Истебъомл товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси</b>	73	12	21	27	18
7.	<b>Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси</b>	75	13	21	25	16
8.	<b>Ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмаси</b>	5	1	3	1	0
9.	<b>Энергетика ходимлари касаба уюшмаси</b>	28	3	14	9	2
10.	<b>Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси</b>	11	0	5	3	3
11.	<b>Бошқа ташкилотлар</b>	2	0	0	1	1
<b>Жами:</b>		<b>1815</b>	<b>278</b>	<b>586</b>	<b>666</b>	<b>285</b>

**жадвал № 8**

**Вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмасидан аъзо тармок  
касаба уюшмалари бўйича 2020 йилда касаба уюшма бюджети  
маблағлари хисобидан олинадиган санаторий йўлланмаларининг  
Тақсимоти**

т/р	Тармоклар номи	Санатория йўлланмалари	I чорак	II чорак	III чорак	IV чорак
1.	<b>Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси</b>	172	24	61	59	28
2.	<b>Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси</b>	799	135	271	270	123
3.	<b>Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси</b>	409	81	127	129	72
4.	<b>Нефт-газ ва геология ходимлари касаба уюшмаси</b>	508	74	175	183	76
5.	<b>Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси</b>	307	56	100	100	51
6.	<b>Истемол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси</b>	50	5	19	20	6
7.	<b>Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси</b>	52	6	20	20	6
8.	<b>Ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмаси</b>	49	7	19	18	5
9.	<b>Энергетика ходимлари касаба уюшмаси</b>	93	14	36	33	10
10.	<b>Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси</b>	42	8	16	15	3
<b>Жами:</b>		<b>2481</b>	<b>410</b>	<b>844</b>	<b>847</b>	<b>380</b>

**2020 йилда ижтимоий сұғурта маблағлари ҳисобидан санаторий ва  
болалар оромгохлари йўлланмаларининг тармоқлар бўйича  
Тақсимоти**

т/р	Тармоқлар номи	Йўлланмалар сони	
		Санаторий йўлланмалари	Болалар оромгохи режаси
1.	Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси	207	1250
2.	Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси	955	2610
3.	Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси	191	1300
4.	Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси	109	1200
5.	Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси	159	230
6.	Нефт-газ ва геология ходимлари касаба уюшмаси	73	7840
7.	Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси	75	400
8.	Энергетика ходимлари касаба уюшмаси	5	700
9.	Ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмаси	28	150
10.	Кимё ва фармацевтика ходимлари касаба уюшмаси	11	220
11.	Вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси (уруш қатнашчилари, Чернобиль АЭСи фалокатида иштирок этганлар, меҳрибонлик уйлари болалари) дан	2	280
<b>Жами:</b>		<b>1815</b>	<b>16180</b>

**Қашқадарё вилоят ҳокимлиги, вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари  
бирлашмаси ҳамда Ўзбекистон Савдо - саноат палатаси вилоят худудий  
бошқармаси ўртасида 2017-2019 йиллар учун тузилган миңтақавий  
келишувнинг бажарилишини текшириб бориш комиссияси  
ТАРКИБИ**

<b>Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият вакиллари</b>		
<b>1.</b>	<b>Бутаев У.</b>	Вилоят ҳокимининг иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринbosари
<b>2.</b>	<b>Тўраев Ф.</b>	Вилоят статистика бошқармаси бошлиғи
<b>3.</b>	<b>Курбонов Б.</b>	Вилоят бандлик бош бошқамаси бошлиғи
<b>Иш берувчилар вакиллари</b>		
<b>1.</b>	<b>Хазраткулов А.</b>	Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси бошлиғининг ўринbosари
<b>2.</b>	<b>Турсунов И.</b>	Вилоят фермер, дехқон хўжаликлари ва томарқа ер эгалари кенгаши раиси
<b>3.</b>	<b>Музапов А.</b>	“Қашқадарё худудий электр тармоқлари” АЖ бош директори
<b>Ходимлар вакиллари</b>		
<b>1.</b>	<b>Ахмедов И.</b>	Вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси раисининг ўринbosари
<b>2.</b>	<b>Сабдаров И.</b>	Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг вилоят бўйича масъул ташкилотчиси
<b>3.</b>	<b>Кубаев Ш.</b>	Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг вилоят бўйича масъул ташкилотчиси